



“INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023”

ОИЛАДАГИ МИЛЛИЙ ТАРБИЯДА ТОРТИНЧОКЛИК КОРРЕКЦИЯСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Султонова Назокат Отабек қизи

Фарду, ижтимоий иш талабаси

Биз биламизки, миллий тарбия – ўзбек халқининг қандай ташкил топганини, буюк аجدодлари ва уларнинг илм-фан бўйича эришган ютуқларини, ахлоқий фазилатлари-ю, диний кадриятларини, урф-одат ва анъаналарини ҳаққоний ўрганиш ва ундан сабоқ чиқариш, ўзликни англаш демақдир! Ўзлигини англаган ҳар бир миллат вакилида фахр ва ифтихор туйғуси шаклланади ва унда ўзини англаш, ғурур хисси пайдо бўлади. Маънавий комил инсон ўзи учун нима фойдали ва нималарга қодир эканлигини яхши тушунади. У қўлидан келадиган иш билан шуғулланиш асносида ўз эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Инсонда ғурурнинг пайдо бўлишига айрим ҳолларда боладаги мавжуд тортинчоқлик хусусияти тўсиқ бўлади. Тортинчоқлик ўзи нима?

“Ўзбек тилининг изохли луғати”даги таърифга кўра тортинчоқлик деганда тортиниш, уят-андиша ҳис-туйғусига эгалик тушунилади. Ўз навбатида ушбу манбага мувофиқ тортиниш уялиб, бегонасираб ёки бирор бошқа андиша билан ўзини тортиб, тийиб, одоб сақлаб туриш, ийманишни англатади, тортинчоқ одам эса бошқалардан уялиб, ийманиб, ўзини тортиб турадиган, шундай ҳис-туйғуси кучли, уятчан одам сифатида тавсифланади. Демак, тортинчоқликни одамнинг кучли уят ҳисси сабабли ўзини ўзи муайян хатти-харақларни амалга оширишдан сақлаб туриши, деб тушуниш ўринли бўлади. “Тортинчоқлик” тушунчаси ўзининг филологик асосларига кўра, одамнинг ўзини ўзи бошқалардан узоқлаштириш, нари кетказиш маъносида ажратишини англатишига амин бўламиз. Бошқача айтганда, тортинчоқлик маъно-моҳиятига кўра одамнинг бошқалар билан ўзаро-алоқа-муносабатга киришишдан сақланиши, бундай ҳаракатни амалга оширишдан ўзини тийиб туриши, қайтариши сифатида тушунилиши лингвистик жиҳатдан асослидир.

Тортинчоқлик – жамиятда анча кенг тарқалган, ҳар бир шахснинг ўз шахсий муаммосидир. Бу инсоннинг ички руҳий ҳолати бўлиб, ҳақиқатдан бу атроф – муҳит ва тенгқурлари билан мулоқот ўрнатишда, ўз фикрларини мустақил баён этишда тўскинлик қилиб, ўз хатти-харақатларини доим қаттиқ назорат қиладиган, одамларнинг ўзи ҳақидаги қандай фикрда эканлигидан



“INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023”

чўчийдиган, кўрқув ҳиссиётларининг юқорилиги, таъсирчан, бирор ножўя иш қилиб кўйишидан кўркиб, доим эҳтиёткор ва кучли ҳаяжон эгасидир.

Тортинчоқлик ҳар биримизнинг ҳаётимизда қайсидир даражада мавжуддир. Тортинчоқлик албатта ўз-ўзидан намоён бўлмайди, унинг вужудга келиши кўпинча ота-она, ўқув муассасалари тарбияси ва ижтимоий муҳитга боғлиқ бўлади.

Айрим ота-оналарнинг фикрига кўра, тортинчоқлик бу ижобий сифат ҳисобланиб, ахлоқ нормаларига мос келадиган сифатдир. Улар тортинчоқлик ҳатти-ҳаракатлардаги оғишиш эканлигига жиддий эътибор қаратмайдилар. Хатто уларга боладаги тортинчоқликни бартараф этиш зарурлиги ҳақида фикр билдирилганида ҳам “Одобли камтар бола бўлиб ўсгани яхши” –деб жавоб қайтарадилар. Баъзан ота-оналар камтарлик ва тортинчоқликни бир хил хусусият деб ҳисоблайдилар. Аслида бу икки хил хусусият мутлақо бир хил эмас.

Агар камтарлик баъзан ижобий сифат ҳисобланса, у жамиятда ўзини тута олмаслик, бошқара олмаслик, безбетликка қарама - қарши равишда ўзига ишонмасликка асосланилади. Айнан бу икки фарқни ажрата олмаслик баъзан боладаги тортинчоқликни коррекция қилиш зарурияти йўқ деб ҳисобланишига сабаб бўлади. Чунки улар тортинчоқликни йўқотилиши манманликни юзага келишига сабаб бўлади деб ҳисоблайдилар. Тортинчоқликни йўқотиш ёки ривожлантириш қиз ва ўғил болалар орасида турлича аҳамиятга эга.

Фарзандлар ҳаётида ота-оналар асосий ўринни эгаллайди. Айнан ота-оналар фарзанддаги тортинчоқликни бартараф этишда биринчи ва асосий кадамни кўядилар. Бунда улар психологик хизмат амалиётида самарали қўллаб келинаётган турли амалий машқ ва машғулотлардан фойдаланиши мумкин. Тортинчоқлик ўз келиб чиқиш ва ривожланиш механизмига кўра мураккаб психологик асосларга эгаллиги сабабли, унинг меъёрдам ортиқ даржасини коррекция қилиш ишига ҳам комплекс ва кўп томонлама ёндашиш талаб қилинади. Қуйида бу соҳадаги коррекция ишининг асосий йўналишлари тасвирланган. Эътиборли жиҳатлардан бири шундаки, тортинчоқлик психокоррекциясининг барча келтирилган йўналишлари бўйича тегишли ишни амалга ошириш учун ота-оналар ҳам оила шароитида яхши имкониятга эгадирлар. Айни вақтда ота-она томонидан ташкил этиладиган тарбиявий ишнинг психологик таъминоти учун амалий психологлар тортинчоқ болалар билан ишлашда қўллайдиган айрим технологик жиҳатдан нисбатан содда методик ишланмаларни тақдим қилиш



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

билан оилага бу масалада яқиндан ёрдам бериш мумкин. Болада тортинчоклик меъёрдан ортиқ даражада ривожланишининг олдини олишда ота-она, энг аввало, фарзанд билан мулоқотда ижобий эмоционал муҳит яратишга интилиши яхши натижа беради.

Бунда боладаги меъёрдан ортиқ тортинчокликни коррекциялаш ишида унинг ўзига ишончини оширадиган, унда мулоқот кўникмаларини ривожлантирадиган, мустақилликни кучайтирадиган машғулотлар тавсия қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2021). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. *Scientific progress*, 2 (7), 586-592.
2. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ. *Scientific progress*, 3 (1), 328-334.
3. Хамрақулов Ихтиёр Бахтиёрович (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИАТЛАРИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2 (Special Issue 2), 140-146.
4. Хамрақулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 49-51).
5. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(10), 233-237.
6. Asqarova, A., Xonkeldiyeva, K., Abdumutalibova, X., & Murotova, D. (2021). Issues of increasing the competitiveness of light industry enterprises. In *Наука сегодня: проблемы и пути решения* (pp. 48-49).
7. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Перспективы развития электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений. *Бюллетень науки и практики*, (12 (25)), 293-299.
8. Хайдаров, Х., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ* (pp. 59-61).



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

9. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием. Бюллетень науки и практики, (11 (24)), 357-363.
10. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Nomonjonova, F. U., Qodirova, S. Q., & Arabxonova, X. A. (2021). Classification Of Competition In The Market Of Light Industrial Goods And The Factors That Shape It. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 43-46.
11. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Abdugarimova, R. A., Xudoyberdiyeva, X. B., & Egamberdiyeva, N. B. (2021). Theories Of Marketing Strategies To Increase The Competitiveness Of Light Industry Enterprises. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 40-42.
12. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 34-35).
13. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.
14. Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Features of management of textile industry enterprises based on the cluster approach. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(9), 780-783.
15. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. The American journal of interdisciplinary innovations and research, 3(01), 113-117.
16. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 36-39.
17. Xonkeldiyeva K., & Xo'Jamberdiyev J. (2020). IMPROVING ORGANIZATIONAL EFFECTIVENESS OF INDUSTRIAL PRODUCTION. Экономика и социум, (3 (70)), 145-147.
18. Зокирова, С. Х., Хамракулов, Ж. Б., & Кадирова, Н. Б. (2020). Полевая влагоемкость, влажность почв и песков Центральный Ферганы. Universum: химия и биология, (5 (71)), 5-9.
19. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Актуальные проблемы решения безработицы в Республике Узбекистан. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 18-19).
20. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организации: управленческий и логистический аспекты. In Наука сегодня: история и современность (pp. 17-19).



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

21. Хонкелдиева, К., & Толибжонова, М. (2020). Механизм формирования инновационного процесса в текстильном производстве как основа адаптации к процессам глобализации. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 15-16).
22. Хонкелдиева, К., & Абдусатторова, З. (2020). Социальная инфраструктура как фактор социально-экономического развития региона. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 17-18).
23. Бахтиёрович, Х. Ж. (2022). ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАЛАБАЛАРИДА ЭКОЭТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИГА ҚЎЙИЛИДИГАН ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАР. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(4), 1-6.
24. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы: материя.
25. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 40-41).
26. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 42-43).
27. Хонкелдиева, К. (2020). Актуальные вопросы повышения экономического потенциала текстильной промышленности. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 13-15).
28. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 61-62).
29. Хонкелдиева, К., & Маматкулова, Ф. (2020). Социально-экономические аспекты устойчивого развития предприятия. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 36-37).